INV.№

Ислом КАРИМОВ: **Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади.**

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ
2 МАЙ
СЕШАНБА

№ 52 (25.602).

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

ПРЕЗИДЕНТ ҲИНДИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 май куни давлат сафари билан Ҳиндистонга жўнаб кетди. Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоб қайтарар экан, ташрифдан кўзланаётган мақсадлар ҳақида, жумладан, бундай деди:

— Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқларининг тарихи ва маданияти бир-бирига муштаракдир. Айниқса, бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари даврида анча тараққий этган муносабатларимизнинг илдизи чуқур ва мустаҳкам. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалар бўйича алоқалар жадал ривож топаётганининг негизида икки мамлакат халқларининг азалий дўстлиги ётади. Мана шу дўстона муносабатлар яратган замин устида мамлакатлараро ижтимоий ва иқтисодий алоқалар ҳам ривожланяпти.

Ҳиндистон билан муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли алоқаларимизни ривожлантиришга интилиш икки томон учун ҳам мақбул сиёсат, — деб сўзида давом этди давлатимиз раҳбари. — Дунёвий ва минтақавий масалалар бўйича Ҳиндистон ҳукуматининг қарашлари бизнинг қарашларга жуда яқин. Мазкур сафардан кўзланган мақсад ана шу омилларга таянган ҳолда алоқаларни янги босқичга кўтариш, янада кенгайтиришнинг ҳуқуқий асосини яратишдан иборат.

Деҳли сафари чоғида Ҳиндистон раҳбарлари билан, жумладан, президент, вице-президент, бош вазир, ташқи ишлар вазири ва бошқа ҳукумат аъзолари билан учрашувлар ўтказилади. Ташриф асносида Ҳиндистон тижоратчилар ассамблеяси вакиллари билан ҳам учрашув режалаштирилган. Умид қиламизки, бу мулоқотларнинг ҳаммаси самарали кечади ва икки томонлама муносабатлар ривожида бурилиш ясайди. Зеро, тахминан ўнта ҳужжат, жумладан, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги кўп қирали алоқалар тамойиллари ҳақидаги баёнот имзоланиши кўзда тутилаяпти.

Шу вақтгача икки мамлакат ўртасида ўттизта ҳужжат қабул қилинган. Улар сафига қўшилиши кутилаётган икки ҳужжатга алоҳида тўхталмоқчиман. Бу икки ҳужжат халқаро уюшган жиноятчилик, террорчилик, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашга қаратилган. Мазкур келишув жиноятчиларни ушлаш ва топшириш, шу орқали ўзга юртда паноҳ топишни истаган кимсалар йўлига тўсиқ қўйиш имконини ҳам беради.

Бундан ташқари, матбуот соҳасида ўзаро ахборот алмашишни йўлга қўйиш, иқтисодий ва маданий соҳалардаги алоқаларни янги босқичга кўтариш бўйича ҳам ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Айни пайтда юртимизда Ҳиндистон билан ҳамкорликда ташкил этилган ўттизга яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ташриф давомида мазкур қўшма корхоналар ишининг сифат ва самарадорлигини янада ошириш, уларнинг сонини кўпайтириш ҳақида ҳам гап бўлади, албатта.

***

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Деҳлига етиб келди.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири.
Суратда: жўнаб кетиш пайтидан лавҳа.
Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат

АТИРГУЛЛАР ХОРИЖГА

Гул — инсон кўнглидек беғубор ва тоза. Гул ва кўнгил бир-бирини тўлдиради, эъзозлайди.

Пастдарғом туманидаги Чархин кўчат етиштириш тажриба хўжалиги боғбонлари мевали ва манзарали дарахт кўчатлари билан бирга ноёб, чиройли ва кўнгилочар атиргул ниҳоллари етиштиришни ҳам йўлга қўйдилар.

— Гул шайдоси, унга ошуфта бўлиш учун нозик дид ва ҳавас бўлиши ҳам керак, — дейди боғбон Муҳиддин Гадоев, — турли рангдаги атиргулларимизга қизиқувчилар хорижда ҳам кўпайиб бормоқда. Ўтган йили Бирлашган Араб Амирликларига минг туп атиргул тортиқ қилинди. Бу йил эса қалбларга нур ва хурсандчилик ато этувчи гулларимизни Покистон ва бошқа хорижий мамлакатдаги ҳамкорларимизга етказиб бериш ниятимиз бор.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҚАДР ТОПГАН ҚАРИЯЛАР

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси «Нуроний» жамғармаси бошқарма кенгаши ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Мактаблар, лицей, коллежларда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари иштирокида учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Шунқорлар» аскарий ўйинларига фахрийлар ҳам таклиф этилмоқда. Учрашувларда «Ватанни ҳимоя қилиш мардлар қўлида», «Ватанни севмоқ иймондандир», «Қаҳрамонларча хизмат қиламан» каби мавзуларда қизиқарли суҳбатлар бўлиб ўтаяпти.

Шаҳар ва туманларда, овулларда бўлса уруш қатнашчилари учун хайр-саховат дастурхонлари ёзилиб, миллий таомлар тортилиб, совға-саломлар улашилмоқда. Қадр топган қарияларимиз эса эл-юртга тинчлик, шукроналик тилакларини билдиришяпти.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ПОЛВОНЛАРНИНГ ҒАЛАБАСИ

Хитойнинг Гулин шаҳрида эркин кураш бўйича Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Бу чемпионатда саккиз нафар спортчимиз иштирок этиб, саккизта медални қўлга киритиб, жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Шу пайтгача мамлакатимизнинг бирорта ҳам миллий жамоаси бундай муваффақиятга эриша олмаган эди.

Чемпионатда беллашувлар жуда қизғин кечди. 13 мамлакат вакиллари Осиё чемпиони номини олиш ҳамда айни пайтда Сиднейда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларига бериладиган йўлланмани қўлга киритиш учун ўзаро куч синашди.

Ўзбекистонлик курашчилар бешта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медални олишга муваффақ бўлди.

Рамил Исломов, Игор Купеев, Руслан Хинчагов, Расул Катиновасов ва Артур Таймазов Осиё чемпиони унвонини қўлга киритди.

Дамир Захардинов ва Сослан Фраев кумуш, Адҳам Очилов эса бронза медали соҳиби бўлди. Туркияда ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича ниҳоясига етган йирик халқаро турнирда ҳам ҳамюртларимиз Музаффар Абдураҳмонов билан Зоир Азимов ғалабага эришди. Баҳром Ирисметов ва Жамшид Саидов тўртинчи ўринни эгаллашди. Биз курашчиларимизнинг Сиднейда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларида ҳам ғолибликни қўлга киритишларига ишонамиз.

■ **(ЎзА)**

ЧОРАК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масалаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Соғлом авлод» давлат дастурининг амалга оширилишининг бориши ҳам кўриб чиқилди. Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирлик, қўмита, корпорация, концерн, компания, уюшма, бирлашма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов бошқарди.

Муҳокамага қўйилган масалалар юзасидан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Б. Ҳамидов, Бош вазир ўринбосарлари Ў. Исмоилов, Ҳ. Кароматов, шунингдек, адлия вазири А. Полвонзода, соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назиров ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Таъкидландики, мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самардорлиги тобора ошмоқда. Чунончи, ўтган йилнинг биринчи чорак якунларига кўра, республикада ялпи ички маҳсулот ҳажми уч фоиз ортди. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши саноатда — 5,1 фоиз, қишлоқ хўжалигида — 4,2 фоизни, чакана товар айланиши эса 5,1 фоизни ташкил этди. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 13,9 фоиз кўпайди. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ишлари ҳам анча фаоллашди. Хусусийлаштиришдан олинган маблағлар миқдори ўтган даврга нисбатан икки ярим баравар ошди. Мамлакатнинг экспорт салоҳияти кўпайди, импорт қилиш эса қисқарди.

Бу — Ўзбекистонда иқтисодни эркинлаштириш, мулкдорлар сафини кенгайтириш йўлида ҳукумат томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг амалдаги кўринишларидир. Айни вақтда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳуқуқий ҳимоя воситалари янада мустаҳкамланмоқда. Саноатда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича муайян дастурлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Аҳолининг турмуш шаротини яхшилаш, фаровонлигини ошириш учун талай ишлар қилинди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмонан соғлом, ақлан етук авлодни тарбиялаш ишига эътибор кучайди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида ўртага қўйилган вазифаларнинг қандай бажарилаётганлиги танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилди. Хусусан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш механизмлари тўлиқ ишга солинмаётгани қайд этилди. Бу борада кўпгина вилоятларда ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилмагани туфайли мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилмаяпти. Навоий, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах вилоятларида хусусийлаштириш жараёнига хорижий инвестицияларни жалб этиш, қўшма корхоналар ташкил қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайди.

«Ўзавтосаноат», «Ўзмашсаноат» уюшмалари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги корхоналарида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, корхоналарнинг акцияларини сотиш борасидаги ишлар ниҳоятда суст бормоқда. Маҳаллий хомашё негизида саноат корхоналари учун бутловчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бўйича қабул қилинган давлат дастурларининг аксарияти бажарилмай қоляпти. Бу ишга Олмалиқ кон-металлургия комбинатида, кимё саноати, автомобиль ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарида жиддий эътибор қаратилмаётгани ташвишли ҳолдир.

Мажлисда «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорацияси, «Ўзпаррандасаноат» уюшмаси, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси, «Ўзбалиқ» корпорацияси ва «Ўзсувқурилиш» концерни корхоналарида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши қониқарсиз, деб топилди.

Коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш концепциясининг бажарилиши ҳам ҳали талаб даражасида эмас.

Банк соҳасини эркинлаштириш, мижозларга юқори савияда хизмат кўрсатиш, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини узоқ муддатли кредитлаш ҳажмларини кўпайтириш, деҳқон ва фермер хўжаликларига микрокредитлар ажратиш ишларидаги ортиқча расмиятчиликлар барҳам топмаяпти. Жумладан, «Асака» давлат-тижорат банки бошқаруви ўз ресурсларидан тўлиқ фойдалана олмаяпти. Банкни давлат тасарруфидан чиқаришда хорижий сармояларни жалб қилиш, аҳоли маблағларидан унумли фойдаланиш ҳисобига ресурслар базасини мустаҳкамлашга етарлича эътибор берилмаяпти.

Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар суръати ва кўлами ҳукуматимизнинг «Соғлом авлод» дастури доирасида эмаслиги қайд этилди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

■ **(ЎзА)**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта ва экспорт-импорт операциялари бўйича ҳисоб ҳамда ҳисобот юритиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 28 апрелдаги 171-сонли қарорига мувофиқ қуйидагиларни маълум қилади:

Валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, солиққа тортиш, статистик ва бошқа ҳисоботлар юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун Марказий банк ҳар ҳафтада пул массаси ва инфляция суръатларини ҳисобга олган ҳолда республика ички валюта бозорида, шу жумладан биржадан ташқаридаги бозорда хорижий валюталар билан ўтказилган операциялар натижасида белгиланадиган курсни эълон қилиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 1 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	135,92	10 Испания песети	12,66	1 Сингапур доллари	135,45
1 Австрия шиллинги	15,31	100 Италия лираси	10,88	1 СДР	309,11
1 Англия фунт стерлинги	362,05	1 Канада доллари	156,28	1000 Туркия лираси	0,38
10 Бельгия франки	52,23	1 Хитой юани	27,90	1 Финляндия маркаси	35,43
1 Голландия гульдени	95,60	1 Кувайт динори	750,68	1 Франция франки	32,12
10 Греция драхмаси	6,27	100 Ливан фунти	15,36	1 Швеция кронаси	25,87
1 Дания кронаси	28,25	10 Люксембург франки	52,23	1 Швейцария франки	134,18
1 БАА дирхами	62,89	1 Малайзия рингтити	60,79	1 ЕВРО	210,68
1 АҚШ доллари	231,00	1 Германия маркаси	107,77	10 Жанубий Корея вони	2,08
1 Миср фунти	67,29	1 Норвегия кронаси	25,85	10 Япония иенаси	21,61
1 Ирландия фунти	267,51	1 Польша злотийси	52,56	1 Россия рубли	8,13
1 Исландия кронаси	3,06	10 Португалия эскудоси	10,51	1 Украина гривнаси	42,74

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида кўрсатилганидек, Марказий банк томонидан 2000 йилнинг 1 апрелидан бошлаб ўзгарувчан қайта молиялаш ставкасини белгилаш механизми жорий этилган эди.

Ушбу механизмга мувофиқ инфляция даражасининг суръати, пул бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкаси ўзгартирилди ва 2000 йилнинг 1 майидан бошлаб ойига 2,4 фоиз миқдорида белгиланди.

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛДИ

Таҳририятга Жиззах вилояти Пахтакор тумани Самарқанд жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи М. Дариеванинг «Самарқанд» қишлоқ врачлик амбулаторияси тиббиёт ходимлари масъулиятсизликка йўл қўйиб 2-синф ўқувчиларини сил касаллигига қарши БЦЖ вакцинаси билан нотўғри эмлаганликлари ҳақида хат келган эди. Ушбу хат юзасидан республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги қуйидагиларни маълум қилди:

Мактуб Фтизиатрия ва Пульмонология тиббиёт институтининг юқори малакали мутахассислари томонидан жойида чуқур таҳлил қилиб чиқилди.

Текшириш жараёнида «Самарқанд» қишлоқ врачлик амбулаториясининг айрим ходимлари томонидан 1999 йил сентябрь ойида «Нодира» номли мактабнинг 19 нафар 2-синф ўқувчилари ўртасида сил касаллигига қарши олиб борилган қайта эмлаш (ревакцинация) ишларида жиддий хатоларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

«Самарқанд» қишлоқ врачлик амбулаторияси ходимларининг эътиборсизликлари оқибатида БЦЖ вакцинаси 1998 йилда болаларнинг чап елка соҳасига эмас, балки ўнг елка соҳасига юборилган. 1999 йил сентябрь ойида профилактик кўрик давомида чап елка соҳасида БЦЖ вакцинаси билан эмланганидан кейинги ҳосил бўладиган чандиқ йўқлиги сабабли, ўнг елкага эътибор берилмай, 19 ўқувчида қайтадан БЦЖ вакцинаси ўтказилган.

Мазкур воқеа Пахтакор туман марказий шифохонасининг кенгайтирилган тиббий кенгашида муҳокама қилинди ва шифохона маъмуриятининг 1999 йил 26 декабрь 94-сонли, 2000 йил 28 март 65-сонли буйруқлари асосида айбдор шахсларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. «Самарқанд» қишлоқ врачлик амбулаторияси мудири Ф. Абдураззоқова, врач-педиатр Р. Жангирова, эмлаш ва мактаб ҳамширалари У. Маҳмудова, З. Абдуллаевалар эгаллаб турган лавозимларидан озод этилдилар. Иммунопрофилактика ишлари бўйича назорат қилишни сусайтирганликлари учун марказий шифохона бош врачи муовини А. Рўзимуродовга, бош педиатр А. Абдумажидовага, бош эпидемиолог Ж. Эркабоевага, бош фтизиатр Д. Шоназароваларга хайфсан эълон қилинди.

БЦЖ вакцинаси билан нотўғри эмланган ўқувчиларнинг барчаси вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан диспансер назоратига олинди. Амбулатория қошида кундузги шифохона ташкил этилди ва юқори малакали мутахассислар иштирокида тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди ҳамда уларни соғломлаштириш борасида чора-тадбирлар қабул қилинди.

Туман тиббиёт ходимлари ўртасида сил касаллигига қарши эмлаш услублари, эмлашга бўлган тиббий мойилликлар, сил касаллигининг клиник кўринишлари, уларни даволаш йўллари, мазкур соҳа бўйича қабул қилинган директив ҳужжатлар ҳақида семинар машғулотлари ўтказилди.

Ўқувчилар 1999 йилда ҳамда 2000 йилнинг март ойида Фтизиатрия ва Пульмонология илмий-текшириш институтининг юқори малакали мутахассислари томонидан консультация қилдирилди.

Мутахассисларнинг хулосаларига кўра, БЦЖ вакцинаси билан нотўғри эмланган болаларнинг умумий аҳволлари қониқарли эканлиги, вакцина уларнинг саломатликларига ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмаганлиги, ушбу эмлаш оқибатида ўқувчилар сил касаллигига чалинмаганлиги маълум бўлди.

Жиззах вилояти ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан Пахтакор туманида истиқомат қилувчи аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг ҳолатини янада яхшилаш учун кўриладиган чора-тадбирлар қаттиқ назорат остига олинди.

■ **Республика соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари М. ХОДЖИБЕКОВ**

ФМТ-1

«ОБУНА-ЛОТО»

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета

Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2000 учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

(Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

«ОБУНА-ЛОТО»

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси

Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

1991 — 2000

1996 ЙИЛ

21 март. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг Россия Федерацияси Давлат думаси 1996 йил 15 мартдаги қарори юзасидан нуқтаи назари матбуотда чоп этилди.

6 апрель. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг МДҲ мамлакатлари интеграцияси жараёнлари ривожи билан боғлиқ масалалар юзасидан Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги — ЎзА мухбири саволларига берган жавобларида баён этилган қоида ва хулосалар тўла қўллаб-қувватланди.

24 апрель. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.Унда Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессияси кун тартибига таклиф этилган масалалар юзасидан нуқтаи назари ишлаб чиқилди ва бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинди.

24 апрель. Мамлакатимиз Олий Мажлисидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессияси кун тартибига таклиф этилаётган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

7 май. Матбуотда Ғалабанинг 51 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронторти меҳнат фахрийлари, мамлакатимизнинг барча фуқароларига табриги чоп этилди.

23 май. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибиятининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Жиззах шаҳар ташкилотларида партия йиғилишлари ва оммавий-сиёсий тадбирларни ўтказиш тажрибаси ҳақидаги масала муҳокама этилди.

14 июнь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Гулистон туман партия кенгашининг ХДПдан давлат ҳокимияти вакиллик идораларига сайланган депутатлар билан ишлаш тажрибаси ҳақидаги масала муҳокама этилди.

(Давоми бор).

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ:

ЖИСМОНИЙ ЎЛИМ ҚЎРҚИНЧ ЭМАС

«Бу дунёда қуллиқ қилиш бўлмасин, фақат ҳақиқат олдида бош эгиш бўлсин», — деб Абдулла Қодирий истибдодга қарши, ҳўрликка қарши нафратини билдирган эди. Асрлар давомида ҳурлик учун курашиб келган, хоришни билмаган инсон руҳининг нафрати... Унинг номи адабиёт осмонида чақмоқдек балқиди. Унинг романлари, қозоқ адиби Мухтор Авезов эътирофи билан айтганда: «Текис саҳрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандай пайдо бўлди. Унинг асарларини Қурмонғози ёки Чайковский куйларини тинглагандай дам олиб, мазза қилиб ўқийсан киши...» Асримиз бошларида у ва у сингари озодлик курашчилари дунёга келиши учун етарлича замин мавжуд эди. Абдулла Қодирий туғилиши керак эди. Зулм исканжасида яшаётган халқ, унинг улуғлиги, «энг кирлик» ва «энг қора кунлар» ҳақида ёзиши керак эди. У озодлик ҳақида ёзди. Курашлардан чарчамаган озод инсон руҳи ҳақида ёзди. «Мен ҳақиқат йўлида бош кетса, «их» дейдирган йигит эмасман», — деб тақдиримиз, бугунги кунимиз ҳақида ёзди. Бу кунлар келишига ишониб яшади у. Абдулла Қодирий қулликни билмади. «Мен маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга қўрқинч эмасдир». Бу Абдулла Қодирийнинг суддаги нутқи. У ва у сингари озодлик курашчилари жисмоний ўлимга тик борган. Улар «доҳий»ларнинг нафратидан эмас, халқнинг нафратидан қўрққан.

Кўр бизнинг аҳволимиз,
ғафлатда қандай ётамиз,
Жойи келган чоғида
виждонни пулга сотамиз.

Абдулла Қодирийнинг «Аҳволимиз» шеъри ушбу сатрлар билан бошланади. Бу сатрларда уйғонишга, руҳий уйғоқликка даъват бор. Фофиллик, жаҳолат устидан, инсон номини топтаб келган ҳар қандай ёвуз кучлар устидан кулиш бор бу сатрларда. Жаҳолат устидан кулиш — маърифатга ташланган биринчи қадамдир. «Инсонни инсон этган маърифат, виждонни пулга сотиш — гуноҳ», — демоқчи бўлади у. «Виждондан улуғ тарозу йўқ», — демоқчи бўлади у. Абдулла Қодирий ва унинг қисматдошлари яшаган давр, уларни сиғдирган жамият уларнинг улуғ мақсадлари, ойдин орзуларини сиғдирмади. Улар овозлари борича қўшиқ айтолмади. Кўкрагини тўлдириб нафас ололмади. Кўчага кулиб чиқолмади улар. Давр уларнинг тилини кесиб олган эди.

«Менимча, ўриснинг биздан юқоридалиги унинг иттифоқидан бўлса керак. Бизнинг кундан-кунга орқага кетишимизга ўз ора низоъимиз сабаб бўлмоқда. Орамизда бу қўрқунч ҳолатка баҳаққи тушинадирган яхши одамлар йўқ, бильакс бузғучи ва низоъчи унсурлар томир ёйиб, ҳар замон содда халқни ҳалокат чуқуриға қараб тортадирлар...». Халқни озодликка ундаш... Инсонни инсон сифатида кўриш бу. Оломонни халқ сифатида кўриш орзуси бу. Қайси халқ улуғликни истамайди?! Қайси халқ топталишни, ҳўрликни истайди?! Абдулла Қодирий халқини бошқа халқлардан устун қўймади. Бошқа халқларни камситмади. У халқини бошқа халқлардан кам бўлмаслигини, ўз халқини халқ сифатида кўришларини истади, холос. Бунга унинг ҳаққи бор эди. Чунки, у ўз даврида камситилган халқнинг камситилган вакили эди. «Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал», — деди у. «Қалам — ўқлоғи, адабиёт — кетмон бозори эмас. Сўз сўзлашда узоқ андиша керак», — деди у. «Ўткан кўнлар»ни ёзар эканман, доимо кўз ўнгимда ўқувчи оммамиз турар эди», — деди у. Абдулла Қодирий тилсиз бўлса-да, кўп гапни айтишга улгурди. У бир шеърида:

Келингиз, ёшлар, зиёлилар,
бу кун ғайрат қилинг,
Ухлаганларни агар Қодир
эса уйғотамиз, — деб ёзади.

Дунёда халқни уйғотишдек буюк мақсад йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Қодирий ўз даврининг уйғонган кишиси сифатида жаҳолатда ётган халққа, халқдан узоқлашиб бораётган, синфий мафкурининг тарғиботчиси бўлиб қолаётган зиёлиларга «Уйғонинг» дейишга ҳақли эди. Аждодлари дунё бешигини тебратган мазлум халқни: «Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилғанлари бир ўлкани ҳалокат чуқуриға судрағувчи тангрининг қаҳриға сазовордир», — деб огоҳ этишга ҳақли эди. Чунки у том маънодаги ИНСОН эди. Ўзбекнинг бундай ИНСОНлари кўп эди. Улар қуёшга бўй чўзган гул эди. Улар жалада қолдилар. Совуқ йилларнинг жаласида қолган гул эди улар. Бу жала ўзбекни буюк фарзандларидан айирди. Бу жала гулларнинг шохини қайирди. Уларнинг илдизи халқнинг юрагидан бошланган эди. Инсон руҳига ўлим йўқ. Абдулла Қодирий кеча яшади. У бугун ҳам яшаяпти. Аёнки, эртага ҳам яшайди...

■ **Шуҳрат ОРИФ**

ОҚҚАН ДАРЁ...

... Икки йил муқаддам Ҳонқа туманида ихчамгина бир тадбир бўлиб ўтди. Ҳонқа туман ҳокимлиги ва «Олтин мерос» халқаро жамғармаси вилоят бўлими ташкил этган хотира кечаси ўзбекнинг биринчи ирригатори Муҳаммад Ҳожи Аминаддиннинг таваллуд санасига 125 ва вафотига олтмиш йил тўлиши муносабати билан уюштирилган бўлиб, рости бу тадбир шу туман миқёсидагина қолиб кетди. Ҳатто бу ҳақда вилоят оммавий ахборот воситалари бирорта хабар бермадилар...

Миллий қадриятларимизга қайтаётган, тарихдаги буюк боболаримиз хотираси ўрнини топаётган улуғ кунларда қаҳрамонимиз ҳақида ихчамгина хотирот битмоқ мавриди этди.

Муҳаммад ҳожи Аминаддин ўғли 1873 йилда — Тўрткўлда дунёга келади. Хива мадрасасида ва Петро-Александровскдаги рус-тузум мактабларида сабоқ олади. 1892 йил 5 августда Русия ва Франция ҳукуматлари ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик шартномасига кўра Франциянинг Тулуза шаҳридаги сув хўжалиги коллежида Чор ҳукумати жўнатган илк илми толиблар орасида ягона ўзбек йигити — Муҳаммад ҳам бор эди...

Францияда тўрт йил таълим олган Муҳаммад шу фурсатда дунёнинг бошқа бир қатор давлатларига ҳам сафар қилади, муқаддас Ҳаж зиёратига боради. Ҳорижда «малакали сув мутахассиси» дипломини олгач ўз она юртига қайтиб келади ва рус мамурларининг илтимосига кўра Петро-Александровскда ташкил қилинган қишлоқ хўжалик ва сув флоти курсларига раҳбар этиб тайинланади, ҳудудда илк бора янги касб бўйича мутахассислар тайёрлаш ишига ҳисса қўшади.

1900 йилдан токи 1920 йилгача Муҳаммад ҳожи Аминаддин ўғли Хива хонлигининг йирик саноат шаҳри ва қишлоқ хўжалик тумани бўлмиш — Ҳонқада ҳокимлик вазифасида ишлайди. Бу даврда мазкур ҳудудда янгидан суғориш каналлари ва зах қочириш йўллари қазилади, олтита пахта тозалаш ва битта кўн заводи қуриб ишга туширилади.

1921 йилда Умумхоразм советларининг II қурултойи бўлиб, деҳқончилик вазирлиги қошида тўққиз кишидан иборат марказий ирригация бошқармаси тузилди ва унга етук мутахассис, шу соҳанинг ягона билимдони Муҳаммад Аминаддинов бошлиқ этиб тайинланди.

Хоразмда деҳқончилик юз фоиз сув — оқар сув билан боғлиқ. Улкан ҳудуддаги экин майдонларини сув билан таъминловчи ҳамда зах сувларни оқизиб кетувчи кўплаб ариқ ва зовурларни ҳар йили бир марта тозалаш қадим-қадимдан давлат сиёсатида муҳим вазифа касб этган. Хонлик даврида бу сиёсат «бегор» кўринишида бўлиб, хонликда яшовчи болоғат ёшидаги ҳар бир эркак ўн икки кун мажбурий бегорда қатнашиши шарт эди. Бу маросимда ҳатто хон ҳазратларининг шахсан ўзи ҳам иштирок этган.

Архив ҳужжатларида 1922 йилги қазув ва дарёга ҳимоя дамбалари кўтариш сафарбарлигида тўрт минг беш юз киши муттасил қатнашгани қайд қилинган. Улар Ҳазорасп дан Хўжайлигача бўлган 220 километр масофадаги барча ариқларнинг тўғонларини қайта мустаҳкамлаб, ботил бўлган ўзанларни қазишган. Худди шу жараён миқёсида Муҳаммад ҳожи раҳбарлик қилганлар.

Муҳаммад мироб кейинчалик бир муддат Хоразм Халқ Республикасида зироат вазири вазифасида ҳам фаолият кўрсатган.

1925 йилда вилоятда сув масаласи билан махсус шуғулланувчи «Упрадис» ташкилоти тузилади ва Муҳаммад ҳожи унга бош муҳандис этиб тайинланади. 1930 йилга келиб «Средазгипровод» маҳкамаси Жанубий Хоразмнинг 100 минг гектар ерини қишлоқ хўжалиги оборотига киритишни кўзлаган лойиҳа ишлаб чиқиб, уни амалиётга оширишни бошлаб юборди. Мазкур лойиҳа ташаббускори ва унинг ижрочиларидан бири ҳам Муҳаммад ҳожи бўлганлар.

Тарихдан «тўлба» номини олган Амударёнинг қуйи ўзанида «дегиш» деган балои азим бўлганки, баҳор бошларида дарё тўлиб оққанда бу табиий офат бир неча кун ичида юзлаб, минглаб гектар майдонларни ямлаб ютиб юборган. Дарёнинг ҳар икки қирғоғидаги шаҳарлар ва аҳоли пунктларини дарё ўзанига айлантирган ҳам дегиш бўлади. Ўтгизинчи йилларда махсус «Дегишстрой» ташкилоти тузилгани бежиз эмас. Муҳаммад ҳожи шу ташкилотда ишлаб, кўп йиллик тажрибаси билан ёш мутахассисларга сабоқ берган.

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор», Хоразмнинг кекса миробларидан Акоп Авеносов шундай хотирлаганди: «1934 йил февралида қаттиқ музлаган дарёда сув тошқини содир бўлди. Дегиш Турлан тумонинг Чўболончи қишлоғини ўз қаърига ютиши аниқ бўлиб қолди. Ўн минглаб кишилар дарё бўйига тўпланиб, дегиш олдини олиш чора-тадбирларини кўра бошладилар. Аммо,барча кўрилган эҳтиёт чоралари самара бермади. Шунда кимдир Ҳожибой миробни эслаб қолди. Шу куниёқ уни Тўрткўл туманидан топиб келишди. Олтмишлардан ошган, аммо ҳали тетик мироб бобо қадим боболар усули «варт»ни қўллаб бир неча соат ичида дегиш хавфининг олдини олди»...

Умрининг сўнги йилларида Муҳаммад ҳожи ўзи туғилиб ўсган Тўрткўлга қайтиб, бир неча хўжаликларда мироблик, «Дегишстрой»да бўлим бошлиғи вазифаларида ишлади. Аммо, сталинча қатағон Хоразмнинг машҳур миробини ҳам омон қўймади. 1937 йилнинг 19 октябри кечаси уни ҳибсга олишди. Кекса миробнинг асаблари, жисмоний қувати чекистларнинг ҳатто фашистлар ҳам қўлламаган қийноқ усулларига дош беролмади — у 1938 йилнинг 18 февралида қамоқхонада вафот этди...

«Халқ душмани» сифатида ҳибсга олинган кекса миробга қўйилган барча айблар фақат эллик йилдан сўнг олиб ташланди. Унинг эл-юрт учун қилган хизматлари тилга олинди, «Меҳнат» нашриётида «Жайҳун мироби» номли рисола босмадан чиқди...

Юртбошимиз томонидан 9 майнинг Хотира ва Қадрлаш куни сифатида эълон қилингани ва бу санани биз иккинчи марта нишонлаётганимиз арафасида воҳалик кекса миробларга, сув хўжалиги ходимлари кўпчилигининг фикрини инобатга олиб, машҳур мироб бобонинг хотирасини абадийлаштириш фурсати етди, деб ўйлаймиз. Ҳонқа туманидан оқиб ўтадиган ва айнан Муҳаммад ҳожи ҳокимлик даврида қазиб ишга туширилган каналлардан бириси «Р-9» деб юритилади. Ҳатто, бу ҳудудда «Р-7А», «Р-8» каби каналлар ҳам бор. Одамлар бу атама нимани англатишини билишмайди. Бизнингча, «Р-9» каналини машҳур мироб номи билан аташ фурсати келган. Балки, давлатимизда сув ихтисослиги бўйича мутахассислар тайёрлайдиган пойтахтдаги ирригация илмгоҳида ҳам машҳур мироб хотираси билан боғлиқ ёдгорлик лавҳаси ўрнатилса мақсадга мувофиқ бўларди...

■ **Рўзимбой ҲАСАН,**
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ХДП ХАБАРИ

ВАЗИФАЛАР ОЙДИН

Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгашининг кенгайтирилган пленуми бўлиб ўтди. Унда туман партия ташкилотининг республика Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясидаги нутқи ва ЎзХДП МК пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида туман партия кенгаши биринчи котиби Ҳ. Бобохонов маъруза қилди. Олий Мажлис ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига партиядан кўрсатилган номзодларнинг 50 фоизи ғалаба қозонганлиги қайд этилди. Лекин сайлов натижалари бундан ҳам яхшироқ бўлиши мумкин эди. Сайлов округида туман партия кенгашидан бириктирилган вакиллар суст ишладилар, номзодларнинг лаёқатини кўнгилдагидек ифода этиб бера олмадилар. Оқибатда баъзи номзодлар сайловчиларнинг назаридан четда қолди. Депутатликка номзодлар ичида 30 ёшгача бўлган сафдошлар умуман кўрсатилмагани ачинарли ҳолдир. Хотин-қизлар сафи ҳам тор бўлди. Келгусида булар ҳисобга олиниши даркор.

Пленумда партиянинг янги таҳрирдаги Дастури ва ўзгартиришлар киритилган Низомини ўрганиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани, аммо бу ишда асло сусткашликка йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланди. Шунинг учун туман партия кенгаши ўз тизилмасини такомиллаштириб, аппарат ходимларини аттестациядан ўтказиш бўйича тадбирлар белгилади.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП МК котиби А. Рустамов ва Шайхонтоҳур туман ҳокими М. Одилов иштирок этди ва сўзга чиқди.

■ **Б. ҒОЙИБОВ,**
Ўзбекистон ХДП
Шайхонтоҳур туман
кенгаши котиби

МЕҲНАТ БОШ БОШҚАРМАСИ ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Собиржон Саидкаримов — Тошкент шаҳар меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш Бош бошқармасининг раҳбари.

Собир Саидкаримов назарий ва амалий иш фаолиятини бир вақтда (кундузи ишлаб, кечки бўлимда ўқиб) тажрибада кўриб ўлғайган мутахассис. Бу тажриба унга ишчи ва иш қадрини англашни ўргатган.

Ҳали тадбиркор, ишбилармонлар атамаси овоза бўлмасданоқ унинг бу соҳадаги муваффақиятлари тан олинган. Чарм-галантерия маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Орзу» корхонасининг шов-шувига сабаб бўлиши айнан унинг раҳбарлигида амалга ошади.

Хуллас, аҳоли билан ишлашда тажрибали. Муаммони батафсил ўрганишдан оқринмайди ва айни пайтда ўта зарур бўлган хислат — ҳар қандай вазиятда суҳбатдошига холис, умидли мулоҳаза тақдим эта олади.

— Собиржон Каримович, бандлик хизмати , у яратаётган имкониятлар билан аҳолини таништиришдаги энг самарали усул матбуот ва тарғибот ишлари бўлса керак...

— Бандлик хизматидаги мавжуд имкониятлар билан аҳолини яқиндан таништиришни табиийки, тарғибот-ташвиқот ишларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бу борада оммавий ахборот воситалари билан ишлаш, рекламалар уюштиришнинг аҳамиятини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. Бироқ, тарғибот ишларимиз фақат шу билангина чегараланмайди.

Тарғибот ва ташвиқот ишларининг яна бир самарали усули, жойларда аҳоли билан жонли мулоқотлар ўтказиш. Шу мақсадда ўтган йили ҳисоботига назар ташлайдиган бўлсак, маҳаллаларда бир минг икки юздан кўпроқ учрашувлар ўтказиб, аҳолини бошқармадаги мавжуд имкониятлар билан, бу борадаги қарор ва фармойишлар билан таништирдик, ишга, ўқишга таклиф этдик.

— Демак, шаҳар меҳнат бошқармаси аҳолининг ишга бўлган эҳтиёжини қондираяпти, дейиш мумкинми?

— Би дегани ишсизлар мутлақо йўқ дегани эмас ва бундай кўрсаткич ҳеч қачон, ҳеч бир мамлакатда бўлмайди ҳам. Шу ерда бир нарсага аниқлик киритиш лозим. Иш билан банд бўлмаган, яъни ишлаш истаги йўқ ва ишга эҳтиёжи бўлган қатлам мавжуд. Агар ўтган йил ҳисобида кўрадиган бўлсак, Тошкентда 100 мингга яқин иш билан банд бўлмаган аҳоли мавжуд. Булар кимлар? Уларнинг 60 фоизини аёллар, уй бекалари ташкил этади. Қолган 40 мингга яқин ишга эҳтиёжи бор аҳолининг 50 фоизи ёшлар.

Биз ишга эҳтиёжи бор қатламнинг қандай шароитда ишлаш истагида эканликларини ўрганиб чиқдик. Таҳлил натижаларига кўра, уларнинг кўпчилиги икки-уч соатлик иш, уйдан узоқ бўлмаган жойдан ёки мутлақо уйда бажарадиган иш бўлса дейишади.

— Бироқ, ҳақиқатда иш қидириб ёки айнан иш тополмаганидан ишсиз ўтирганлар борлигини ҳам рад этиб бўлмайди.

— Биласизми, боя айтганимдек, ишга эҳтиёжли аҳолининг 50 фоизи ёшлар. Улар билан ишлаш шуни кўрсатадики, ёшларнинг кўпчилиги бандлик хизмати яратаётган имкониятлардан мутлақо бехабар. Бизга учрашганидан кейингина, шунақа имконият бор экану бехабар юрган эканман дейишади.

Иш ҳеч қачон одамни қидириб бормайди, аксинча интилгангина имкониятга эга бўлади. Бандлик хизмати бундай имконият шаҳарнинг ҳар бир аҳолисига етиб бориш учун барча воситаларни қўллаяпти.

Кейин меҳнат бошқармаси айнан ишга қабул қилувчи ташкилот эмас, балки фуқароларимизга иш топишларига кўмак берувчи, бу борадаги қарор ва фармойишларни

аҳолига етказиш, ана шу имкониятлардан фойдаланиш ташвиқотини яратувчи ташкилотдир. Демоқчиманки, меҳнат бошқармасининг фаолияти неча кишини ишга жойлагани ҳақидаги рақамлар билан ўлчанмайди, балки аҳолига иш топишда кўмаклашиш, бунга шароит яратиш билан ўлчанади.

— Сизга мурожаат этаётганларнинг кўпчилиги ёшлар экан...

— Ёшларимиз учун меҳнат бошқармаси томонидан яратилаётган имкониятлар жуда кенг. Ҳозир меҳнат бошқармаси ёшларни истаган ҳунарларини ўргатиш имкониятига эга. Уч ойлик, олти ойлик курсларда улар компьютер, бухгалтерлик, сартарошлик, миллий ҳунармандчилик асосида ташкил этилган «Устоз ва шогирд» анъаналарини ва яна кўплаб касб-ҳунарларни ўрганишлари мумкин.

Ўқиш харажатлари меҳнат бошқармаси ҳисобидан бепул амалга оширилади.

— Меҳнат бошқармасининг бир ойдаги фаолиятига назар ташласак қандай натижани кузатиш мумкин?

— Ҳар ойда бизга 3 мингга яқин аҳоли мурожаат қилади. Шундан 2 мингтаси ишга жойлашиш муаммоси билан мингтаси турли ижтимоий муҳофаза масалалари юзасидан. Иш юзасидан келганларнинг 1,5 минг нафари ишга жойлашади, 300 га яқини ўқишга ва 100-150 нафарига ишсизлик мақоми берилади. Ишсизлик мақомини олганларга олдин ишлаган бўлса, ўртача ойлик маошининг 50 фоизи (қарамоғида болалари бўлса бунга яна 10 фоиз қўшилади), биринчи марта ишлаётган бўлса, энг кам иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида ойлик нафақа белгиланади.

— Бўш иш ўринларини белгилашда корхона ва ташкилотлар билан ишлаш қандай йўлга қўйилган?

— Мавжуд қонунларга кўра, ҳар ойнинг бешинчи санасигача корхоналар ўзларидаги бўш ўринлар хусусида бизга маълумот жўнатишлари лозим. Тўғрисини айтадиган бўлсак, корхоналар билан ишлаш кўнгилдагидек эмас. Айниқса, халқ таълими ва тиббиёт муассасалари бу борада анча совуққонликка йўл қўйишаяпти. Масалан, соғлиқни сақлаш шаҳар бошқармаси 1 йилда 800 та бўш ўринлар мавжудлигини кўрсатса, ҳақиқатда ходим ишга юборилганда турли баҳоналар билан ишга олмаслик ҳаракатида бўлишади. Менимча, улар бўш ўринлардан манфаатдор бўлишса керак. Ёки ҳайдовчилик касбини олиб кўрайлик. Ташкилотда ҳайдовчи учун бўш ўрин бор, бироқ ишга юборилганда корхона раҳбари томонидан машинани ўз ҳисобидан созлатиб олиш шарти қўйилади. Ўйлаб кўринг, ўзи иш қидириб юрган фуқаро бўлса, у бузуқ машинани таъмирлаш учун ортиқча 60-70 минг сўмни қаердан олсин.

Умуман, кўпгина корхона раҳбарларида ишбилармонлик етишмайди. Белгиланган маош миқдори шу деб қўл қовуштириб ўтириш керак эмас-ку! Изланиш, имкониятлар қидириш зарур. Қўшимча мукофот пуллари, моддий рағбатлантирувчи турли низомлар ишлаб чиқиш лозим. Бир сўз билан айтганда раҳбар замондан орқада қолмаслиги керак. Албатта биз ишга олмагани учун корхонани жазолаймиз, аммо мақсад жазолаш эмас, биргаликда ишлаш, муаммони ҳал этиш.

— Собиржон Каримович, меҳнат бошқармасида чет эл давлатлари билан шартнома асосида ишлаш ҳам йўлга қўйилган. Шу ҳақида...

—Ҳозир давлат миқёсида фақатгина Жанубий Корея билан шартнома мавжуд. Бу шартнома бир неча йилдан буён ҳаракатда. Ҳозир Тошкент шаҳрининг ўзидан 500 нафар ишчи шартнома асосида Жанубий Кореяда ишлаяпти.

— Шу кунларда кўплаб Европа мамлакатларига шартнома асосида ишга жўнатувчи фирмалар ҳам пайдо бўлган. Уларга қандай муносабат билдирасиз?

— Салбий! Ростдан ҳам тирноқ ичидаги бундай «тадбиркорлар» кўплаб учрайди. Уларнинг манзиллари ҳам аниқ эмас. Ҳатто шундай ҳоллар ҳам учраганки, меҳнат бошқармасининг бланкаларини ясаб, бизнинг номимиздан ҳам иш кўришга уринишган. Бундай «тадбиркорлар»нинг тузоғига тушишдан эҳтиёт бўлиш керак. Менинг ўзимга ҳам кўплаб қўнғироқлар бўлади, вилоятлардан одамлар келишади. Уларга батафсил тушунтиришга ҳаракат қиламан. Аввало, бундай фирмаларнинг рухсатномасини, аниқ манзилини ва тузилган шартноманинг ҳақиқийлигини текшириш зарур. Кейин ишчини бошқа мамлакатда иш билан таъминлай олишига кафолати борми, буни билиш керак. Бундай фирмалар бир ёки икки кишини туристик виза орқали четга чиқаришади-да шу билан ишимиз битди, деб ҳисоблашади. Ёки пулни олгач мутлақо изсиз ғойиб бўлишади, «банкрот»га учрашади.

— Собир Каримович, ишонаманки, ўқувчиларга (улар орасида бандлик хизматига учрашиш истагидагилар кўплаб топилади) матбуот орқали айтадиган тавсияларингиз кўп...

— Албатта. Биринчидан бандлик масаласи фақатгина бизнинг муаммо эмас. Жойлардаги корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳам бу ишга масъулдирлар. Улар бандлик қарорларига тўғри муносабатда ва имкон қадар биз билан ҳамкорликда ишлашларини истардим. Иккинчидан, аҳолига мурожаатимиз шуки, улар бизга қанча кўп мурожаат қилишса, шунча кўп ёрдамимиз тегади, деб ўйлайман. Мурожаат қилган ҳар бир аҳолининг муаммосини ижобий ҳал қилиш имкониятимиз бор.

Илова: Бандлик хизматига эҳтиёжи борлар ўқиш, касб-ҳунар ўрганиш иштиёқидагилар «Осиё бозори» газетасининг навбатдаги сонида бериладиган бўш иш ўринлари ҳақидаги жадвал билан танишишлари мумкин.

■ **Малик МАНСУР**
суҳбатлашди.

«ОБУНАЛОТО» ЎЙИНИ ТАРТИБИ

Муштарий газетада чоп этилган чиптани қайчи билан қирқиб олади ва ундаги 12 ой рақамлари тагидаги 12 бўш катакка биттадан (бир хонали) рақам ёзиб чиқади. Сўнгра яшаш, ишлаш ёки ўқиш жойини, исми ва фамилиясини аниқ-равшан ёзиб, яқинидаги почта алоқа бўлимига ёки жамоатчи матбуот тарқатувчиларга топширади. Почта алоқа бўлимидаги масъул шахс тўлдирилган чиптани кўздан кечириб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, муҳр босиб имзо чекади. Бунинг учун муштарийдан ҳар бир чиптага 100 сўм ҳақ олинади. Бу «Обуналото» билетининг баҳоси ҳисобланади. Чиптанинг мижозга қайтарилган қисми ютуқлар тиражида қатнашувчи расмий ҳужжат бўлиб қолади.

Ютуқлар тиражи 2000 йил 1 июнда ўтказилади. Қуръа ташлаш йўли билан аниқланган олти хонали рақам газетада эълон қилинади. Чиптадаги ўн икки хонали рақамнинг охирги олтитаси, бештаси, тўрттаси, газетадаги рақамга мос келса — ЮТУҚ ҳисобланади. Масалан, муштарий ўз чиптасига 664943208754 рақамини ёзган, дейлик. Газетада ютуқ рақами 208754 деб эълон қилинди. Бунда чиптадаги ўн икки рақамнинг кейинги олти рақами ютуқ рақамига мос тушяпти. Шу чипта соҳиби энг катта ютуқга — «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталаридан бирига 6 ой бепул обуна бўлиш ҳуқуқини қўлга киритади. Беш рақамни (08754) топганлар — 3 ой, тўрт (8754) рақамни топганлар — бир ой ушбу газеталардан бирини бепул олиб турадилар. Охирги уч рақами (754) тўғри келганларга эса тираж комиссияси имкониятга қараб махсус ютуқлар тайинлаши мумкин. Шу боисдан уларни ташлаб юборишга шошилманг.

«PFAFF SINGER» ИШ БОШЛАДИ

Бўз туманида «PFAFF SINGER» савдо уйи ва тикувчилик корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Унинг ишга туширилиши туман аҳолиси учун қўл келди. Бир гуруҳ ёшлар иш билан таъминланди. Янги корхонанинг хориж технологияси асосида иш юритиши, тез ва сифатли маҳсулот яратилишида бош омил бўлмоқда.

Корхона жамоаси йил якунига қадар 164 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирган. Ҳозир 200 дан ортиқ ишчилар турли ёшдаги эркак ва аёллар кийимлари, чойшаблар тикмоқда. Шу билан бирга улар буюртма асосида маҳсулот ишлаб чиқаряптилар.

Суратларда: — Бўз туманида ишга туширилган янги «PFAFF SINGER» корхонасининг кўриниши.

(Чапдан) Зулфия Маматова ва Шахноза Исроилова иш пайтида.

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар

UZBEKISTAN airways

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ҲАВО КЕМАЛАРИНИНГ

ҲАВО АЛОҚАЛАРИ БОШ АГЕНТЛИГИ

2000 ЙИЛ 25 МАРТДАН 28 ОКТЯБРГАЧА ҲАРАКАТ ЖАДВАЛИ

ХАЛҚАРО РЕЙСЛАР

Манзил аэропорти	ҲК русуми	Бажариш кунлари	Рейс рақами	Тошкент а/пдан учиши	Манзил а/пга қўниши	Рейс рақами	Белгиланган а/пдан учиши	Тошкент а/пга қўниши
Куала Лумпур	А-310	1(2)	ХИ-551	21-00	07-15	ХИ-552	08-45	13-45
Лондон	Б-757	2 5 7	ХИ-201	16-15	20-00	ХИ-202	21-15	08-15+1
Амритсар	Б-757	7	ХИ-443	07-15	10-15	ХИ-444	11-45	14-00
Амритсар	Б-757	4(5)	ХИ-441	21-35	00-35	ХИ-442	02-05	04-20
Бангкок	А-310	3	ХИ-535	12-05	20-20	ХИ-536	22-00	03-00+1
Бангкок	А-310	1(2)	ХИ-531	22-15	06-30	ХИ-532	07-40	12-40
Бангкок	А-310	4(5)	ХИ-533	22-05	06-02	ХИ-534	07-40	12-40
Бирмингем	Б-757	5	ХИ-213	06-20	10-20	ХИ-214	11-35	22-35
Бирмингем	Б-757	4	ХИ-211	03-15	07-15	ХИ-212	08-30	19-30
Дакка	А-310	7	ХИ-463	04-30	09-45	ХИ-464	11-15	14-40
Дакка	А-310	4(5)	ХИ-461	23-00	04-15	ХИ-462	05-45	09-10
Деҳли	А-310	6	ХИ-431	11-00	14-30	ХИ-432	16-00	18-30
Деҳли	Б-757	6	ХИ-429	01-40	04-10	ХИ-430	05-40	08-10
Деҳли	Б-767	6(7)	ХИ-433	20-30	23-55	ХИ-434	01-30	04-00
Деҳли	Ил-62	4(5)	ХИ-427	22-45	02-15	ХИ-428	11-45	14-15
Деҳли	Ил-62	1(2)	ХИ-421	10-15	13-45	ХИ-422	02-25	04-55
Деҳли	Ил-86	1(2)	ХИ-423	22-00	01-30	ХИ-424	11-55	14-25
Деҳли	Ил-86	3	ХИ-425	11-00	14-30	ХИ-426	22-45	01-15+1
Жидда	Б-757	2	ХИ-313	17-45	21-45	ХИ-314	23-15	06-55+1
Жидда	ИЛ-62	4	ХИ-315	07-50	11-50	ХИ-316	13-40	21-00
Жидда	ИЛ-62	7	ХИ-311	16-40	20-40	ХИ-312	13-40	21-00
Куала-Лумпур	А-310	3	ХИ-553	10-30	20-45	ХИ-554	22-15	03-15+1
Лондон	Б-757	6	ХИ-203	10-15	14-00	ХИ-204	15-30	02-30+1
Нью-Йорк (Киев орқали)	Б-767	2, 5, 7	ХИ-101	07-10	15-30	ХИ-102	18-00	18-30+1
Париж (Амстердам орқали)	А-310	2	ХИ-251	14-40	18-40	ХИ-252	22-25	08-25+1
Париж (Амстердам орқали)	А-310	6	ХИ-241	12-25	19-00	ХИ-242	19-55	06-15+1
Пекин	А-310	3	ХИ-501	12-45	21-15	ХИ-502	22-45	02-00+1
Пекин	А-310	7	ХИ-503	08-40	17-10	ХИ-504	18-50	21-05
Рим (Афина орқали) 04.06дан	Б-757	(1) 7	ХИ-257	16-00	20-05	ХИ-258	01-15	08-05
Рим (Афина орқали)	Б-757	4	ХИ-265	04-30	10-30	ХИ-266	11-40	20-50
Сеул 10.05дан	Б-767	1(2)	ХИ-511	22-00	08-30	ХИ-512	09-20	12-50
Сеул 10.05дан	Б-767	3	ХИ-513	09-50	20-20	ХИ-514	21-50	01-20+1
Стамбул	А-310	1 4	ХИ-271	06-20	09-20	ХИ-272	11-20	17-50
Тель-Авив	А-310	2	ХИ-303	18-00	21-15	ХИ-304	22-45	05-45+1
Тель-Авив	А-310	1	ХИ-301	06-15	09-30	ХИ-302	11-00	18-00
Тель-Авив	Б-767	4	ХИ-301	06-15	09-30	ХИ-302	11-00	18-00
Франкфурт	Б-767	4	ХИ-231	06-40	10-25	ХИ-232	11-40	21-10
Франкфурт	Б-767	2	ХИ-233	15-15	19-05	ХИ-234	20-05	05-25+1
Франкфурт	Б-757	1	ХИ-231	06-40	10-25	ХИ-232	11-40	21-10
Шаржа	Б-767	1 5	ХИ-331	10-15	13-15	ХИ-332	14-45	19-45
Аль-Риёд	Ил-62	5(6)	ХИ-321	11-15	13-55	ХИ-322	20-15	02-30

МДҲ ШАҲАРЛАРИГА РЕЙСЛАР

Алмата	ТУ-154	2,5	ХИ-761	07-15	10-50	ХИ-762	12-00	11-45
Алмата	Ан-24	1 4 6	9Ж-624	10-05	14-20	9Ж-624	08-00	08-35
Ашхабод	RJ-85	4	ХИ-771	08-05	09-55	ХИ-772	11-00	12-30
Ашхабод	Б-737	(1)2	Т5-712	00-25	02-30	Т5-711	17-00	22-55
Ашхабод	Б-737	6	Т5-714	04-05	10-10	Т5-713	00-40	02-35
Боку	RJ-85	2	ХИ-755	11-15	14-15	ХИ-756	15-45	18-30
Боку	ТУ-154	6	ЙК-202	16-45	19-05	ЙК-203	09-00	11-05
Бишкек	АН-24	1	ХИ-775	09-50	12-50	ХИ-776	13-50	15-00
Бишкек	АН-24	3	ХИ-777	10-30	13-30	ХИ-777	14-30	15-40
Бишкек	АН-24	2 7	ХИ-779	08-00	11-00	ХИ-779	12-00	13-10
Бишкек	ЯК-40	4,5,6	К-262	09-40	11-50	К-261	08-30	08-40
Волгаград (Урганч орқали) (в.б.қ.)	ТУ-154	(в.б.қ.)	ХИ-695	06-20	11-00	ХИ-696	13-00	19-10
Екатеринбург	ТУ-154	4	ХИ-661	08-50	12-30	ХИ-662	14-30	16-10
Екатеринбург	ТУ-154	6	ХИ-663	10-30	14-10	ХИ-664	16-30	18-10
Екатеринбург	ТУ-154	2	У62962	13-15	16-55	У62961	09-00	10-40
Ереван	ТУ-134	7	Р3978	06-35	11-40	Р3977	00-15	05-05
Иркутск	ТУ-154	6(7)	7Б-588	20-30	04-55	7Б-587	22-00	22-40
Иркутск (Челябинск орқали)	ЯК-42	6	Х6874	20-05	09-35	Х6873	07-45	14-25
Қозон	ТУ-154	1	ХИ-649	10-40	13-00	ХИ-650	15-00	19-00
Қозон	ЯК-42	(4)5	ТЛ-550	02-30	05-15	ТЛ-549	20-15	00-55
Краснодар (в.б.қ.)	ТУ-154	6	ХИ-641	09-00	11-40	ХИ-642	13-30	17-45
Краснодар (в.б.қ)	ТУ-154	1	ХИ-643	08-10	11-00	ХИ-644	13-00	17-25
Краснодар (в.б.қ)	ЯК-42	(4)5	ЮК-6308	05-10	08-30	ЮК-6307	22-30	03-40
Красноярск	ИЛ-62	3(4)	ХИ-683	19-50	02-20	ХИ-684	05-20	05-55
Красноярск	ТУ-154	1(6)	7Б584	00-10	06-35	7Б583	18-25	19-00
Москва (Шеремет)	А-310	1,2,4,5,6,7	ХИ-601	21-50	01-10	ХИ-602	02-40	07-35
Москва (Шеремет)	Б-767	3(4)	ХИ-601	21-50	01-10	ХИ-602	02-40	07-35
Москва (Шеремет)	Б-767	6	ХИ-603	09-25	12-45	ХИ-604	14-15	19-10
Москва (Шеремет)	А-310	2	ХИ-603	09-25	12-45	ХИ-604	14-15	19-10
Москва (Самарқанд орқали)	Б-757	5	ХИ-605	07-25	12-45	ХИ-606	14-15	21-05
Москва (Бухоро орқали)	Б-757	3	ХИ-607	07-55	12-45	ХИ-608	14-15	21-05
Москва (Дмд.Урганч) (б.қ.)	ТУ-154	5(6)	ХИ-617	18-05	23-20	ХИ-618	01-50	08-35
Москва (Фарғона) (в.б.қ)	ТУ-154	6(7)	ХИ-619	17-55	23-20	ХИ-620	01-50	08-55
Мин.-Воды (Нукус орқали) (б.қ.)	ТУ-154	3	ХИ-645	12-00	16-05	ХИ-646	17-35	23-10
Мин.-Воды (в.б.қ.)	ТУ-134	6	МИ6316	17-20	19-15	МИ6316	12-00	16-00
Минск	ТУ-154	(3)4 (6)7	В21876	07-50	10-45	В21875	20-00	02-45
Новосибирск 01.06 дан Ил-86	ТУ-154	(1) 4(5)7	ХИ-667	21-35	02-20	ХИ-668	04-00	05-05
Новосибирск	ТУ-154	2	С73298	22-15	03-00	С73297	19-00	20-00
Омск (Андижон орқали)	ТУ-154	3	ХИ-679	08-00	14-45	ХИ-680	18-15	21-00
Пермь (в.б.қ.)	ТУ-134	2	УП3184	19-25	23-50	УП3183	15-20	17-45
Ростов-Дон	ТУ-154	5	ХИ-637	13-45	16-30	ХИ-638	18-45	23-00
Ростов-Дон	ТУ-134	(2)3	Д 9650	03-00	06-05	Д9649	21-00	01-30
Самара	ИЛ-86	4	ХИ-653	08-25	11-30	ХИ-653	14-30	17-10
Самара	ТУ-134	1 (7)	Е55342	03-15	06-35	Е55341	22-30	01-45
С.Петербург	Б-757	2	ХИ-631	17-35	21-50	ХИ-632	23-50	05-15
Симферополь	ИЛ-86	7	ХИ-747	08-50	11-20	ХИ-748	13-25	19-20
Тбилиси	ТУ-134	(5)6	ТГ36818	03-20	06-20	ТГ36819	23-00	01-50
Тюмень	ТУ-154	2	ХИ-691	17-10	21-10	ХИ-692	03-10	04-55
Уфа	ТУ-154	4	ХИ-657	12-05	15-30	ХИ-658	18-30	19-55
Хабаровск	ИЛ-62	2(3)	ХИ-687	01-55	15-00	ХИ-688	19-30	21-00
Челябинск	ТУ-154	4	ХИ-675	08-30	12-00	ХИ-676	15-30	17-00
Челябинск	ЯК-42	6	Х6874	20-05	23-55	Х6873	12-35	14-25
АНДИЖОНДАН								
Москва (Қарши орқ)	ТУ-154	(1)3(4)7	ХИ-623	17-50	23-20	ХИ-624	01-50	09-10
Омск	ТУ-154	3	ХИ-679	10-00	14-45	ХИ-680	18-15	19-00
Новосибирск	ТУ-154	2	ХИ-671	07-25	12-00	ХИ-672	14-00	17-30
Самара (Самарқанд орқ.)	ТУ-154	1	ХИ-655	11-40	16-45	ХИ-656	18-15	21-25
БУХОРОДАН								
Москва (Шеремет)	Б-757	3	ХИ-607	09-55	12-45	ХИ-608	14-10	19-00
Уфа	ТУ-154	2	ХИ-659	14-15	18-00	ХИ-660	21-00	22-40
Красноярск (Фарғ.) (б.қ.)	ТУ-154	5(6)	ХИ-681	13-10	22-10	ХИ-682	01-15	04-30
ҚАРШИДАН								
Москва (Домододово)	ТУ-154	(1)3(4)7	ХИ-623	20-15	23-20	ХИ-624	01-50	06-50
ФАРҒОНАДАН								
Москва(Дмд.) (в.б.қ)	ТУ-154	6(7)	ХИ-619	19-50	23-20	ХИ-620	01-50	07-00
Москва (Нукус орқ.)	ТУ-154	1(2)	ХИ-621	17-55	23-20	ХИ-622	01-50	08-45
Москва (Нукус орқ.)	ТУ-154	4(5)	ХИ-625	16-10	22-15	ХИ-626	00-45	07-40
Қозон (Самарқанд орқ.)	ТУ-154	5	ХИ-651	08-40	13-00	ХИ-652	15-00	19-15
Красноярск	ТУ-154	5(6)	ХИ-681	15-30	22-15	ХИ-682	01-15	02-05
Уфа (Бухоро орқ.)	ТУ-154	2	ХИ-659	12-00	18-00	ХИ-660	21-00	00-50
НАМАНГАНДАН								
Москва (Урганч орқ)	ТУ-154	2(3)	ХИ-615	18-00	23-20	ХИ-616	01-50	08-50
Самара 17.05 дан	ТУ-134	(2)3	Е55368	02-30	06-00	Е55367	21-30	00-55
НУКУСДАН								
Москва (Домодедово)	ТУ-154	4(5)	ХИ-625	19-10	22-15	ХИ-626	00-45	04-55
Москва (Дмд.) дан	ТУ-154	1(2)	ХИ-621	20-50	23-20	ХИ-622	01-50	06-00
Минводы (в.б.қ.)	ТУ-154	3	ХИ-645	14-45	16-05	ХИ-646	17-35	20-35
САМАРҚАНДДАН								
Москва(Шеремет)	Б-757	5	ХИ-605	09-30	12-45	ХИ-606	14-10	19-05
Москва(Внуково)	ТУ-154	1(4)	Ж5696	06-20	09-20	Ж5695	00-05	04-45
Қозон	ТУ-154	5	ХИ-651	10-45	13-00	ХИ-652	15-00	21-20
Самара	ТУ-154	1	ХИ-655	13-50	16-45	ХИ-656	18-15	23-35
Новосибирск (Андижон орқ)	ТУ-154	2	ХИ-671	05-20	12-00	ХИ-672	14-00	15-25
УРГАНЧДАН								
Москва (Домодедово)	ТУ-154	2(3)	ХИ-615	20-45	23-20	ХИ-616	01-50	06-10
Москва (Домодедово)	ТУ-154	5(6)	ХИ-617	20-45	23-20	ХИ-618	01-50	06-10
Волгоград (в.б.қ.)	ТУ-154	7	ХИ-695	09-20	11-00	ХИ-696	13-00	16-20

МАҲАЛЛИЙ АВИАЙЎНАЛИШЛАР

Андижон	АН-24	1,5,6,7	ХИ-1423	07-20	08-45	ХИ-1424	09-25	10-45
Андижон	АН-24	1,2,5,6,7	ХИ-1425	10-45	12-10	ХИ-1426	12-50	14-10
Андижон	ЯК-40	1,2,3,4,5,6	ХИ-1427	13-30	14-55	ХИ-1428	15-35	16-50
Андижон	АН-24	1,2,4,5,6,7	ХИ-1429	18-20	19-45	ХИ-1430	20-25	21-45
Андижон	ТУ-154	(1)7	ХИ-1433	15-50	16-50	ХИ-1434	10-10	11-10
Андижон	ТУ-154	2				ХИ-1436	18-30	19-30
Андижон	ЯК-40	ҳар куни	ХИ-1431	19-15	20-40	ХИ-1432	06-35	07-50
Андижон	ТУ-154	3	ХИ-679	08-00	09-00	ХИ-680	20-00	21-00
Бухоро	РJ-85	1,2,4,5,6,7	ХИ-1323	07-10	08-25	ХИ-1324	09-05	10-15
Бухоро	Б-757	6(7)	ХИ-607	20-00	21-00	ХИ-608	08-05	09-05
Бухоро	РJ-85	7	ХИ-1061	08-00	11-40	ХИ-1062	13-00	14-10
Бухоро	РJ-85	1	ХИ-1325	11-05	12-20	ХИ-1326	13-00	14-10
Бухоро	АН-24	2,4,5,7	ХИ-1327	14-55	16-40	ХИ-1328	17-15	18-45
Бухоро	ЯК-40	1,2,4,5,6,7	ХИ-1329	17-30	19-15	ХИ-1330	19-55	21-25
Бухоро	ЯК-40	2, 7 (1,3)	ХИ-1331	19-40	21-25	ХИ-1332	07-30	09-00
Бухоро (в.б.қ.)	ТУ-154	5 (6)	ХИ-1333	11-10	12-20	ХИ-1334	05-30	06-30
Зарафшон	ЯК-40	ҳар куни	ХИ-1345	06-30	08-10	ХИ-1346	08-50	10-15
Қарши	ЯК-40	ҳар куни	ХИ-1201	09-35	11-10	ХИ-1202	11-50	13-15
Қарши	ЯК-40	ҳар куни	ХИ-1203	14-40	16-15	ХИ-1204	17-00	18-25
Қарши	ЯК-40	ҳар куни	ХИ-1205	18-35	20-10	ХИ-1206	07-30	08-55
Қўқон	ЯК-40	ҳар куни	ХИ-1441	10-55	12-05	ХИ-1442	12-45	13-55
Навоий (в.б.қ.)	АН-24	ҳар куни	ХИ-1339	10-50	12-35	ХИ-1340	13-15	14-40
Наманган	ЯК-40	4,7	ХИ-1451	07-00	08-15	ХИ-1452	08-55	10-05
Наманган	ЯК-40	2,6	ХИ-1453	08-55	10-10	ХИ-1454	10-50	12-00
Наманган	АН-24	3,4,5,6	ХИ-1457	14-10	15-30	ХИ-1458	16-10	17-25
Наманган	ЯК-40	1	ХИ-1455	09-40	10-55	ХИ-1456	11-35	12-45
Наманган (5,6да ИЛ-114)	АН-24	ҳар куни	ХИ-1459	19-05	20-25	ХИ-1460	21-05	22-20
Наманган	ТУ-154	2 (3)	ХИ-1461	16-00	17-00	ХИ-1462	09-50	10-45
Наманган	АН-24	5	ХИ-1463	06-50	08-10	ХИ-1464	08-50	10-05
Нукус (3,7да АН-24)	ИЛ-114	1,3,5,6,7	ХИ-1001	06-50	09-30	ХИ-1002	10-10	12-30
Нукус	ЯК-40	3,4,7	ХИ-1003	08-55	11-25	ХИ-1004	12-10	14-20
Нукус	ТУ-154	2	ХИ-1005	09-00	10-40	ХИ-1006	11-50	13-20
Нукус	АН-24	1,5,6	ХИ-1007	11-30	14-10	ХИ-1008	14-50	17-10
Нукус	ЯК-40	1,2,3,4,5, 7	ХИ-1009	16-35	19-05	ХИ-1010	06-00	08-10
Нукус	ИЛ-114	1,2,4	ХИ-1011	17-30	20-10	ХИ-1012	20-50	23-10
Нукус	ТУ-154	3,5,6,7	ХИ-1013	17-45	19-25	ХИ-1014	20-45	22-15
Нукус	ТУ-154	4	ХИ-1413	14-55	18-45	ХИ-1414	06-00	08-15
Самарқанд	АН-24	5	ХИ-1303	12-00	13-15	ХИ-1304	13-55	15-05
Самарқанд	АН-24	1,2,3,4,7	ХИ-1301	06-55	08-10	ХИ-1302	08-50	10-05
Самарқанд	ТУ-154	6				ХИ-1306	08-00	09-00
Самарқанд	ТУ-154	1(2)	ХИ-1307	03-25	04-20			
Самарқанд	АН-24	ҳар куни	ХИ-1309	15-15	16-30	ХИ-1310	17-10	18-25
Самарқанд	Б-757	5	ХИ-605	07-25	08-30	ХИ-606	20-10	21-05
Самарқанд 10.05дан	Б-757	3	ХИ-609	07-55	09-00	ХИ-610	20-40	21-35
Термиз	ЯК-40	ҳар куни	ХИ-1151	08-40	10-30	ХИ-1152	11-10	12-50
Термиз	ЯК-40	1,4,6,7	ХИ-1153	09-50	11-40	ХИ-1154	12-20	14-00
Термиз	АН-24	2	ХИ-1155	10-15	12-15	ХИ-1156	12-55	14-45
Термиз	АН-24	5	ХИ-1157	11-00	13-00	ХИ-1158	13-40	15-30
Термиз	ТУ-154	3	ХИ-1159	12-00	13-20	ХИ-1160	14-30	15-45
Термиз	ЯК-40	ҳар куни	ХИ-1161	14-40	16-30	ХИ-1162	17-10	18-50
Термиз	ЯК-40	ҳар куни	ХИ-1163	19-30	21-20	ХИ-1164	07-00	08-40
Урганч	РJ-85	1,2,3,4,5, 6	ХИ-1051	07-00	08-40	ХИ-1052	09-20	10-50
Урганч	РJ-85	7	ХИ-1061	08-00	09-40	ХИ-1062	11-00	14-10
Урганч	РJ-85	ҳар куни	ХИ-1055	13-20	15-00	ХИ-1055	15-40	17-10
Урганч	РJ-85	1,4,5,7	ХИ-1057	15-10	16-50	ХИ-1058	17-30	19-00
Урганч (Наманган орқали)	ТУ-154	2 (3)	ХИ-1461	16-00	17-00	ХИ-1462	09-50	10-45
Урганч	РJ-85	1,2,3,4,6, 7	ХИ-1059	18-10	19-50	ХИ-1060	20-30	22-00
Фарғона	АН-24	2,4,5,6	ХИ-1401	07-00	08-20	ХИ-1402	09-00	10-15
Фарғона	ЯК-40	1	ХИ-1403	08-55	10-10	ХИ-1404	10-50	12-00
Фарғона	ЯК-40	2,3,4,5,6,7	ХИ-1405	10-55	12-05	ХИ-1406	12-45	14-00
Фарғона	ЯК-40	2,3,4,5,6,7	ХИ-1407	15-25	16-40	ХИ-1408	17-20	18-30
Фарғона	РJ-85	ҳар куни	ХИ-1409	19-40	20-40	ХИ-1410	21-20	22-20
Фарғона	ТУ-154	4	ХИ-1413	14-10	15-10	ХИ-1414		
Фарғона	ТУ-154	2 (3)	ХИ-1415	10-05	11-00	ХИ-1416	08-00	09-00

Жадвалда манзилдан учиш ва қўниш маҳаллий вақт бўйича кўрсатилган. Жадвалга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Бизнинг маълумот телефонларимиз: Авиачипталар борлиги ҳақида маълумотнома: 066. Халқаро йўналиш бўйича маълумотнома: агентлик: 56-38-37; аэропорт: 54-99-19

«МИРОНШОҲ» БОЗОР ҚУРДИ

«Мироншоҳ» фермер хўжалиги раҳбари Соли Абдухайров савобли ишлари билан биргина Ғиждувонда эмас, балки Бухоро вилоятида кўпчиликка танилган. Унинг бевосита раҳбарлигида Ғиждувонда ёшлар спорт мажмуаси, «Чашма» микрохирургия маркази бир неча йилдирки халққа хизмат қилиб келаяпти.

Тадбиркор анчадан буён савдо маркази қуриш пайида эди. Чунки, Ғиждувонда замонавий бозорга эҳтиёж катта бўлиб, мавжуди эса талабга жавоб бермайди. С. Абдухайров Бухоро — Тошкент катта йўли ёқасида 3,5 гектарлик бозор қурди. Бунинг учун давлатдан 30 миллион сўм кредит ҳам олди. Замонавий услубда қурилган бу савдо маркази 1,5 минг сотувчи ўрни, нарсаларни асраш хоналари, ошхона, дўкон, тиббиёт маскани, чойхона, ҳайдовчи ва йўловчилар дам оладиган жойга эга. Савдо маркази ёнидан бош автобекат, автомобиллар тўхташ жойи ҳам ўрин олган. Бундай қулайликдан баҳраманд бўлган ғиждувонликлар тадбиркорга тасаннолар айтмоқдалар.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ТАРИХ ВА МИЛЛАТ

КЎҲНА САҒАНАДАН ТОПИЛГАН ТУРКИЙ ЁЗУВ

1988 йилнинг ёз ойларида археология фанида анча шов-шувларга сабаб бўлган ҳодиса юз берди. Наманган вилоятининг Поп шаҳри яқинидаги Мунчоқтепа номли унча катта бўлмаган ёдгорликда якка тартибдаги кўҳна қабрлар жойлашган қабристон яқинида мукаммал қурилган ер ости сағаналари топилди. Сағаналар ер остига ўйиб ишланган бўлиб, кириш йўлаги, сағана шипи ва поли жуда ажойиб қилиб ишланган эди. Сағаналарни қуришда лой, гишт, ёғоч каби қурилиш ашёларидан мутлақо фойдаланилмаган. Поп сағаналари 1200 йиллар наридан зилзила ва бошқа табиий офатларга бардош бериб, бизгача етиб келган. Мана шунинг ўзиёқ бу сағаналар мураккаб инженер қурувчилик ишларининг ноёб дурдонаси эканидан далолат беради. Ана шу ер ости сағаналаридан 9 таси ушбу сатрлар муаллифларидан бири Б. Матбобоев томонидан қазиб ўрганилди. Сағаналарга биттадан элликтагача марҳум дафн этилган.

Ҳажми катта сағаналарда (6х3 метр,5х2,5 метр) марҳумлар қамиш тобутларга солиб дафн қилинган эди. Тобутлар сандиқ шаклида бўлиб, қамиш поялари бир-бирига ёғоч поналар ёрдамида маҳкамланган. Барча тобутлар қамиш қопқоқлар билан беркитилиб, устидан яна қамиш белбоғ боғлаб қўйилган. Марҳумлар тобутларга уст-бошлари, қурол-яроқлари, зеб-зийнатлари, идиш-товоқлари, асбоб-ускуналари билан қўйилган. Булардан ташқари, кўпчилик жасадлар ёнига ҳар хил таомлар ва ўрик, шафтоли, хандон писта, ёнғоқ, жийда, гилос каби мевалар, бошоқли экинлардан шоли, яна пахта ҳам қўйилган. Кўсакларнинг ҳаммаси уч чаноқли. Топилмалар орасида чолғу асбоблари, ипак матолар, жанговар қуроллар ҳам диққатга сазовор.

Кичик ҳажмдаги сағаналар сони камроқ бўлиб, уларда марҳумлар қамиш тобутларга солинмасдан, оддийгина қилиб дафн этилган. Лекин айнан мана шу сағаналардан тарихий жиҳатдан қимматли, аҳамиятга молик топилмалар аниқландики, булар танга-чақалар хазинаси ва туркий ёзув битилган идиш бўлиб, қадимги туркий қавмлар тарихини ойдинлаштиришда муҳим вазифа бажаради. Туркий ёзув битилган сопол идиш Фарғона қулоллари томонидан қуллочилик чархида тайёрланган, ёзув эса идиш хумдонда пиширилмасдан олдин тиғли асбоб билан сиртига битилган. Сопол идишлар билан бирга тақинчоқлар, зебзийнат буюмлари (масалан, ойна) марҳумларга қўшиб кўмилган.

Дафн одатларидан маълум бўладики, ерли аҳоли исломгача узоқ асрлар давомида амал қилган шомонлик оқимига амал қилган. Бу оқимнинг Ўрта Осиёдаги, хусусан бизнинг заминимиздаги мавқеи, қоидалари ҳали кўп ўрганишни талаб қилади.

Сопол идишга битилган туркий ёзув Фарғонадан топилган туркий ёзувлар билан анъанавий хусусиятларга эга. Айни пайтда иккинчи ва учинчи белгилар Фарғона ёзувларида учрамайди. Талас туркий ёзувларида эса ўша иккала белги бор. Лекин шунисиз борки, Талас ёзувлари Фарғона туркий ёзувларидан кейинги даврга — VIII аср ва ундан кейинги даврга оид. Фарғона туркий ёзувларининг хусусиятлари Талас ёзувларида давом этгани туфайли бугунги кунга келиб бизда шундай фикр қатъийлашмоқдаки, Талас ёзувлари Сибирдаги туркий қавмлардан тарқалган эмас, балки Фарғона водийсидаги туркий ёзувлардан тарқалган. Қолаверса, Ўзбекистон худудидан топилган туркий ёзувлар Сибирдаги туркий ёзувлардан тарқалмай, шу заминда ривожланиб Сибирга ҳам тарқалганини Поп ёзуви ҳам тасдиқламоқда. Топилган ашёлар VII-VIII асрга оид, ушбу ёзув ҳам шу даврга таалуқли.

Лекин бу ҳолат Фарғона водийсини этник, маданий-сиёсий жиҳатдан бошқа ҳудудлардан ажратиш учун асос бўлмайди, балки кўҳна Туронзаминдаги ижтимоий, маданий, этник жараёнинг бир қисми Фарғона водийсида ҳам фаол давом этганини ушбу далиллар аниқроқ кўрсатади. Ёзувни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ўнг томондаги биринчи ойсимон белги қаттиқ Й товушини ифодалайди, иккинчи белги эса анъанавий Л товушни ифодаловчи белгининг бошқачароқ шаклидир, яъни анъанавий туркий ёзувда белгининг пастдаги илгаги юқори қисмида жойлашган бўлади. Талас ёзувлари учун бу белги одатдаги ҳолатдир. Учинчи белги тўғрисида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Бу белги Н товушининг юмшоқ вариантини ифодалайди. Тўртинчи белги эса Н товушининг қаттиқ вариантини билдиради. Агар биринчи ойсимон белгининг АЙ деб ўқилишини назарда тутсак, бу ёзув тўлиғича АЙИН ИН деган хабарни билдиради. Бизнингча, АЙИН бирор шахснинг, эҳтимол дафн қилинган оила бошлиғининг исми бўлиши мумкин. ИН сўзи эса «пастқам, пастлик жой» маъносидадир. Пастқам жой— марҳумлар дафн қилинган қабрдир. Марҳумларнинг исмлари битилган ёдномалар туркий қавмлар тарихида кўплаб учрайди. Марҳумлардан, асосан эркак кишиларнинг исмлари қайд этилиб, унинг ҳаётлигида кўрсатган қаҳрамонликлари, жасоратлари, оила аъзолари ҳаёти ва ниҳоят марҳумнинг исми ёдномаларнинг сўнггида баён этилади. Бизнингча, бу ёзувда ҳам туркий маданий муҳитга оид анъана давом этган кўринади. Қолаверса, ИНАН исми биринчи марта учраётгани йўқ, балки қадимги туркий ёдгорликларда бир неча марта қайд этилган. Муҳими, бу исм таркибидан ОЙ сўзининг ишлатилганидир. Зотан, ОЙ кўпчилик туркий исмларда учрайди. Чунки ОЙ туркий қавмларнинг азалий эътиқодини кўрсатади. Ўрта Осиёда кенг тарқалган шомонликнинг, кейинчалик эса монийлик оқимининг асосий мавзуи ой, қуёш, юлдузлар бўлди. Ота-боболаримиз бу самовий жисмларга эътиқод қилиб, самодан фақат эзгулик, фаровонлик тилаганлар. Шу боисдан бу жисмларни муқаддас деб билганлар. Ўзбек халқ достонларидаги қаҳрамон Ойсулув, Қунботар, «Ўғузнома» даги Ой хоқон, «Қутадғу билиг» (XI аср)даги донишманд Ойтўлди исмларида мазкур туркий ёзувда мавжуд АЙИН исмидаги сингари шомонлик ва монийликнинг изларини кўрамиз.

Мазкур талқин ва мулоҳазаларимиз Поп дан топилган туркий ёзувнинг ижтимоий томонига алоқадор. Албатта, ижтимоий муҳит этник мансублики белгилашда асосий омил бўла олмайди. Биз шомонлик оқими ва унинг моҳиятини назарда тутяпмиз. Шунга қарамай, ҳозирда «Этник тарихнинг илдизи у ёки бу ижтимоий ҳодисаларга бориб тақалади» деган фикр кенг тарқалиб бормоқда. Бу талқиннинг остида, шубҳасиз, сиёсий манфаатлар ҳам бор. Лекин халқнинг тарихий тараққиётида ва бу жараённи белгилашда маданий муҳитнинг ўрни ва мавқеи анча салмоқли.

Халқ (этник) тарихида «халқларнинг биргалиқда эргашуви» жараёни бор. Бу жараёнга кўра, бир халқ атрофига қатор қавмларни бирлаштиради ва натижада жамики уюшма эргаштирувчи халқ номи билан юритилади. Узоқ давом этадиган бу тарихий жараёнда яхлит халқ муҳим имкониятларни танлаб, ўзида сақлайди ёки ўша имкониятлардан фойдаланади. Муҳим ҳисобланмаган қирралари эса сўниб боради ва охир-оқибатда йўқолади. Бу жараёнларни Мунчоқтепадан топилган туркий ёзувда акс этган шомонлик оқимнинг туркий қавмлар ҳаётидан аста-секин йўқола боришида ва туркий ёзувнинг амал қилиш жараёнида кўриш мумкин.

Бу туркий ёзув гарчи бир неча белгидан иборат бўлса-да, моддий ва маънавий ёдгорлик сифатида ҳамда ижтимоий, маданий муҳитни белгилашда муҳим далил бўлиб хизмат қилади.

■ **Насимхон РАҲМОНОВ, филология фанлари доктори, профессор Боқижон МАТБОБОЕВ, тарих фанлари номзоди**

КЕЧА ВА БУГУННИНГ ҚИЁСИ

Яқинда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли Каттақўрғон шаҳридаги тижорат техникумида туркум фанлар уюшмаси ҳафталиги ўтказилди. Ушбу ҳафталикда умумтаълим фанлар уюшмасида ўқитувчилар ўзларининг намунали дарсларини, адабий-бадиий кечаларини намойиш этишди. Ўқитувчилардан Мавлуда Худойқулова, Мушарраф Эшпўлатова ҳамда Собиржон Шукуровлар томонидан тайёрланган «Биз киммиз, ким эдик, ким бўлдик» мавзусидаги адабий-бадиий композиция кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди. Кечада тарихий сиймолар Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Ибн Сино, Беруний, Машраб, қатағон даври қурбонлари А. Авлоний, А. Фитрат, У. Носир, Абдулла Қодирий, Чўлпонларнинг сиймолари техникум талабалари томонидан талқин этилди.

■ **Эркатош ШУКУРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири**

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Ҳайдар Носиров

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Сахифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 182

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 21.00.
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

МУЛОҲАЗА

БИТИРУВ КЕЧАСИ

Ёхуд буни ташкил этиш бўйича таклифлар

Маълумки, мактабларда ўқув йили якунланишига ҳам оз қолди. Демак, барча битирувчиларда бир муаммо пайдо бўлди, у ҳам бўлса битирув кечасини ўтказиш ё ўтказмаслик масаласи. Чорак аср мактабда ишлаган ўқитувчи сифатида шу нарсага гувоҳманки, кўп мактабларда битирув кечалари тақиқланган, айримларида эса...

Хўш, нега энди туғилган кунни нишонлаш ёки битирув кечасини ўтказиш тақиқланиши керак? Биз ўқитувчилар бу билан ўқувчиларимизни ўзимиздан безитмаяпмизми? Ахир бугун ҳаёт бошқача. Битирувчилар ўз ҳужжатларини тантанали олишни истаган эканлар, бунинг нимаси ёмон? Туғилган кунга синф раҳбари ва ўша ўқувчининг севимли бир-икки ўқитувчиси таклиф қилинса, ўша ўқитувчилар дастурхон тузашдан тортиб, даврада ўтириш қоидаларигача, овқат ейиш одобидан тортиб ўртани очиш, раис сайлаш, сўз бериш одоби ва сўзлаш маданияти ҳақида ўргатилса, камчиликларни дастурхон тепасида эмас, эртасига мактабда муҳокама қилиб, болаларни тўғри йўлга солиб борилса бўлмайдими? Шуларни айтишга бугун аудитория, яъни мактаб бор. Бўлмаса буни болаларимиз қачон ўрганади?

Мактабни битиргандан кейин сиздан бир оғиз сўрамай, сизга ялинмай, оизни таклиф қилмай хоҳлаганича кечалар ўтказишяпти-ку!

Мактаб — билим даргоҳи, унда таълим ва тарбия берилади. Назаримда, ўн йил мактабда ўқиган ўқувчи ўз устозлари билан хайрлашиш олдидан оддий ва чиройли қилиб безатилган дастурхон атрофида ичкиликларсиз ўтирса, гина-кудратлар унутилса, бир-бирлари билан самимий тилаклар асосида хайрлашса, ҳужжатларини тантанали суратда олса, бунинг нимаси ёмон? Тўғри, дарс жараёнларида ўқувчини койиймиз, нари-бери гапсўзлар бўлади, биз ўқувчини, ўқувчи бизни ранжитган. Шунинг узрини мен айтган давра, дастурхон тепасида айтилса, қалб яраси ўзига малҳам топгандай бўлармиди.

Ҳар не бўлгандаям, мактабни битириб кетаётган, айтайлик, тартибсиз, тўполончи ва уришқоқ болани ҳам хайрлашув куни тарбиячи, ўқитувчи самимий тилак билан мактабдан чиқариши керак. Бола қалбида тугун билан чиқиб кетмасин! Ахир биз тарбиячилармиз. Биз кечиримли бўлишимиз керак. Бола вақт ўтиб буни тушуниб етади. Тўғри, бола шўхлик қилар, эркалик қилар, нимадир дер, майли уни эшитайлик, орқадан эмас, юзма-юз эшитайлик. Ахир, у бола-ку?! Биз ҳам бола бўлганмиз-ку?! Шунинг учун биз шу заҳмат ила ўтадиган касбни танлаганмиз! Биз ўқитувчиларга ўқувчининг совғасидан кўра унинг табассуми, домла деб сўрашгани келиши, кўчада лозим топса машинасида йўл-йўлакай бўлса-да, олиб кетиши катта бахт ва бебаҳо совғадир.

■ **Олимжон ЮНУСОВ, Уйчи тумани, 10-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси**

Чиноз туманидаги Чайковский номидаги болалар мусиқа мактаби ташкил этилганига қарийб қирқ йил бўляпти. Ушбу мактабда болаларга дастлабки мусиқа таълими берилади. Турли чолғу асбобларида соз чалиш усуллари, қўшиқ айтиш сирлари ўргатилади. Мактабни битирган йигит-қизлар олий ўқув юртларига кириб билимини оширади.

Суратларда: *1. Ёш доирачилардан Элёр Қосимов, Собир Акрамов ва Адҳам Абдураҳимов.*

2. Мактаб раҳбари, фортепиано бўйича устоз Азиза Полвонова ўқувчи Наталья Ким билан.

■ **Равиль ШАМСУДДИНОВ олган суратлар**

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

ИЛИК УЗИЛДИ

Қуёшнинг заррин нурлари замҳарир қишдан зериккан таналаримизга ажиб бир илиқлик, қалбларимизга сурур бахш этади. Буларнинг барчаси яхши. Аммо масаланинг бошқа томони бор. Айнан мана шу давр табиб ва ҳакимларнинг тилида «таҳдид даври», донишманд бобо-момоларимизнинг забонида «илик узилди», шифокорларнинг лаҳжасида эса «баҳорги дармонсизлик» давридир. Ҳа, гўзал баҳорни рўйи-заминда неча бора қаршилаган бўлсангиз, бу атамаларнинг моҳиятини шунча марта баданингизда ҳис этгансиз. Оёқларингиздан дармон кетиши, кўз олдингизнинг қоронғулашиши, бош айланиши ёки оғриши, сурункали хасталикларнинг қўзғалиши мумкин. Сабаб шундаки, йил бўйи мева-чева, сабзавотлар, полиз маҳсулотларидан тановул қилиб дармондориларга, минерал тузларга, оқсиллар, ёғлар, углеводларга тўйинган вужуд қишда ўзининг барча заҳираларини сарф қилиб бўлади, совуққа, торгина хоналарда димиқиб ўтириш оқибатида юзага келадиган гиподинамияга (камҳаракатлилик) бардош бериш учун организм зўриқиш остида ишлайди. Шу боисдан ҳам айни эрта қўкламга келиб организм ёқилғиси адоғига етган мотордек қийналиб ишлайди, бирор-бир аъзо ёки тизимдаги сурункали яллиғланишларнинг бу даврда авж олиб кетишининг сабаб ҳам шунда.

Хўш, энди нима қилиш керак?

ДАРМОНДОРИЛАР БИЛАН ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ...

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу пайтга келиб танамизда энг биринчи дармондориларнинг, кейин эса минераллар, оқсилларнинг нисбати бузилади. Демак, биринчи навбатда йўқолган дармондориларнинг ўрнини қоплаш даркор.

Поливитамин препаратлари: аксарият ҳолларда вужудда бирваракайига бир неча дармондори танқислиги кузатилади. Иккинчидан, дармондорилар бир-бирининг доривор хусусиятларини оширади, шунинг учун бир ёки икки хил дармондорини қабул қилгандан кўра бир нечасини бир хапдорига жойлаган поливитамин препаратларини қабул қилиш афзал. Шулардан айримлари хусусида қисқача маълумот бериб ўтишни лозим топдик.

Аснитин хапдориси: таркибида С, РР ва В гуруҳидаги витаминларни ҳамда глюкозани сақловчи препарат. Баҳорги дармонсизликнинг олдини олишда, жисмоний ва асаб-руҳий зўриқишларни камайтиришда қўлланилади. 1 донадан уч маҳал овқатдан кейин бир ой мобайнида қабул қилинади.

Пентовит: таркибида B_1, B_6, PP,P ҳамда B_{12} дармондорисини тутувчи препарат бўлиб, асаб тизимининг хасталикларида, дармон қуриганида, камқонликда, юқумли хасталикларидан тузалиш маҳалларида қувватга киритувчи восита сифатида 2-4 донадан кунига уч маҳал овқатдан кейин бир ой мобайнида қўлланилади.

Декамевит: таркибида А, B_1, B_2, B_6, Р, Е дармондорилари ҳамда метиони аминокислотасини тутувчи уйғунлашган дармондори препарати бўлиб, витамин етишмаслиги билан кечувчи хасталикларда, камқонликда, дармон қуришида, кексаларнинг қувватсизлигида, жисмоний ва руҳий зўриқишлар маҳалида оғир юқумли хасталиклардан тузалиш даврида бир таблеткадан икки маҳал овқатдан кейин 20-30 кун мобайнида ичилади.

Ундевит: таркибида А, B_1,B_2, B_6, B_{12}, PP, Р, Е фолий кислотаси, пантонетат кальций, аскорбин кислота тутувчи комплекс препарат бўлиб, танада моддалар алмашинувини яхшилаш, қувватсизликка барҳам бериш учун 1 донадан 2-3 маҳал, 20-30 кун мобайнида қабул қилинади.

Эвит: таркибида А, B_1, B_2 ва С витамини тутувчи юмалоқ сариқ хапдори бўлиб, жисмоний ва асаб руҳий зўриқишлар, дармонсизликлар маҳали, ҳомиладорликнинг меъёрида кечиши учун, юқумли хасталиклардан тузалиш даврида бир дражедан уч маҳал овқатланишдан 10 дақиқа аввал қабул қилинади. Даво курси беморнинг ҳолати ва ўзгаришига қараб бир неча ҳафтадан бир неча ойларгача чўзилиши мумкин.

Ҳозирги пайтда булардан ташқари, узоқ ва яқин хориж мамлакатларидан келтирилаётган турфа номдаги антиқа қутилар ва шишалардаги поливитамин препаратлари дорихоналарни тўлдириб ташлаган. Номлари ҳам жарангдор, одамни ўзига торттулик. Дагравит, Поковит, Мультибионта қабилида. Мен шахсан ўзим шифокор сифатида мазкур препаратларни қўллаб кўрганим йўқ, шунинг учун қанчалик даражада самарадорлигини айтиб ўтишим қийин. Бунинг устига хориж препаратларининг нархи ҳам анчагина қиммат. Шунинг учун, «Синалмаган отнинг сиртидан ўтма» деганларидек, синовдан ўтган препаратларни сизга тавсия қилаяпмиз.

Бугунги кунда кўпгина нарсалар қатори доривор препаратларнинг ҳам қалбакисини учратиш мумкин.

■ **Алижон ЗОҲИДИЙ, 1-тоифали шифокор**

ШАТРАНЖ ОЛАМИДА

ИККИ ЙЎЛЛАНМАДАН БИРИ

Миллий шахмат уюшмалари ўзининг жойлашувига қараб бир қанча минтақаларга бўлингандир. Энди ана шу минтақаларда илғорлик қўлга киритилди. Якунловчи туркум саралаш мусобақаларида баҳс юрита бошланди. Бу муддатни қисқартиш кўзланган натижани берди. Марказий Осиё минтақавий турнирлари 1993, 1995, 1997 йилларда Бишкек, Тошкент, Остона шаҳарларида ўтказилиб, шу мамлакат вакиллари ғалабаси билан тугаган эди.

Халқаро шахмат федерацияси бу йилги ана шундай турнирни ўтказишни бизга — ўзбекистонликларга топширган эди. Бунга наманганлик мутасаддилар «харидор» бўлиб чиқдилар. Улар ўтган йилги иккита йирик мусобақа ўсмирлар ўртасида Осиё биринчилиги ҳамда Ўзбекистон эркаклар чемпионати олий лига турнирини кўнгилдагидек ўтказиб тажриба орттирган ва ишончга кирган эдилар. Иштирокчиларнинг ярмини энг юқори унвонли шахматчилар ташкил этиши ва улар орасида жаҳон шахмат таснифининг олдинги қисмидан жой олиб турган халқаро гроссмейстерлар Александр Ненашев, Рустам Қосимжонов, Евгений Владимировларнинг борлиги кураш қизғин ва кескин ўтишидан дарак бериб турарди. Худди шулар дастлабки турлардаёқ олдинга ўтиб олдилар. Дастлабки 9 ўйиндан сўнг 7тадан очко жамғарган бу уч гроссмейстер сўнгги уч турда тағин баравар — 2,5 тадан очко олиб, умумий жамғармани 9,5 очкога етказдилар. Бундай юксак натижа ҳам икки ғолибни узил-кесил аниқлаб беролмади. Бир киши ортиқчалик қилиб қолди. Одатда бундай ҳолатлар юз берганда ҳакамлар ҳайъати мусобақа низомида кўрсатилган тадбирларни амалга оширадилар. Бу ерда уч ғолиб ўртасида икки даврадан иборат қўшимча матч-турнир ўтказиладиган бўлди. Мана энди ўйналадиган сўнгги икки партияда ҳамма нарса рўй бериши мумкин. Хуллас, атиги икки ўйинда имкониятларини мустаҳкам ушлаб қолиш ҳар кимнинг ҳам иши эмас. Учала шахматчи ҳам жаҳонга машҳур гроссмейстер бўлсада, барибир шундай, ўйиннинг биринчи даврасида Александр Ненашев Рустам Қосимжоновни ютиб, Евгений Владимировга бой берди. Владимиров — Қосимжонов ўйини дуранг бўлди. Иккинчи даврада эса Қосимжонов ҳамшаҳри Ненашевни ютиб, Владимиров билан дурангга эришди. Бинобарин, қозоғистонлик Евгений Владимиров 4 имкониятдан 3, Рустам Қосимжонов эса 2 очко жамғариб ниятга етишди — жаҳон шахмат чемпионати саралаш мусобақасига йўлланма олишди.

■ **Мамажон МУҲИДДИНОВ**

ТАШКИЛОТ
«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни
СОТАДИ
ҲАҚ ТЎЛАШ — ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН
Манзил
Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» машиний хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.
Телефон: 54-56-97.
Факс: 54-49-11. Пейжер: (067) 90-79

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 146-ўрта мактаб томонидан 1992 йилда Худойбердиева Нигора Чимбўлатовна номига берилган А — №035302 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бектемир туманидаги «Самандарак» хусусий ишлаб чиқариш тижорат савдо фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар 169-60-72 телефон орқали қабул қилинади.

Газетанинг навбатдаги сони 6 май, шанба куни чиқади